КУТУБХОНАСИ
тадқиқотлар институти

2009 ЙИЛ, 14 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 9 (11.320) Баҳоси эркин нархда

## БУГУН — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 17 ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН МУРОЖААТИ

*Қадрли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!*

*Авваламбор, мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана – Ватан ҳимоячилари куни, Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг 17 йиллиги билан сизларни, барча юртдошларимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.*

*Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямизни барпо этиш бўйича кўлами ва моҳиятига кўра ҳақиқатан ҳам улкан ишлар тизимли равишда ва босқичма-босқич амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш керак.*

*Армияни ислоҳ қилишнинг ҳар томонлама пухта ўйланган дастурига мувофиқ, мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган ташқи ва ички таҳдид ва хатарларни чуқур ўрганиш асосида Қуролли Кучларни қуриш ва бошқаришнинг мутлақо янги тизими шакллантирилди. Ҳарбий округлар, чегара ҳудудларининг тузилиши, ҳарбий операциялар олиб бориладиган энг муҳим йўналишларда жанговар қўшин гуруҳларининг ташкил этилиши, ўз таркибида энг муҳим ҳарбий тузилмаларни бирлаштирган Қуролли Кучлар Бирлашган штабининг шакллантирилиши мамлакатимизда ягона мақсад ва вазифалар негизида узвий боғланган ишончли мудофаа тизимини яратиш имконини берди.*

*Қуролли Кучларимиз сафини тўлдириш тартиби изчил ва босқичма-босқич такомиллаштирилди. Муддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилди, сафарбарлик-чақирув резерв хизмати жорий этилди, шартнома асосида хизмат қилишга ўтиш деярли якунланди, жорий йилдан бошлаб муддатли ҳарбий хизматга чақирув бир йилда бир марта амалга ошириладиган бўлди. Бундай чора-тадбирларнинг барчаси Қуролли Кучларимизнинг жанговар куч ва имкониятларини сезиларли даражада ошириб, бутун армиямизнинг қиёфасини тубдан ўзгартирди. Энг муҳими, аҳолимиз, биринчи навбатда ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юксак даражага кўтарилди, армияда хизмат қилиш том маънода шон-шараф ишига айланди.*

*Шу йиллар мобайнида сержант ва офицер кадрларни профессионал асосда тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида кўп ишлар қилинди. Бугунги кунда сержантларнинг қарийб учдан икки қисми замонавий ўқув базасига эга бўлган, салоҳияти тобора ортиб бораётган сержантлар тайёрлаш мактабларида таълим олганини қайд этиш лозим. Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган сержантларимиз шахсий таркибнинг юксак жанговар ва сиёсий тайёргарлигини таъминлаш, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни, ҳарбий тартиб-интизомни сақлашнинг чиндан ҳам муҳим омилига, мухтасар айтганда, армиямизнинг асосий ўзагига айланди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.*

*Айниқса, армияни қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун ижтимоий-маиший шароитларни яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, биргина 2008 йилнинг ўзида ҳарбий хизматчиларнинг иш ҳақи ўртача 51 фоизга оширилди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар учун ишга жойлашиш ва олий ўқув юртларига ўқишга кириш бўйича қатор имтиёзлар тизими белгиланди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз олий ўқув юртларида армия сафларида мардлик ва жасорат мактабини ўтаган, жанговар ҳамда сиёсий тайёргарликда юксак натижаларга эришган 22 минг нафардан зиёд ёшларимиз таълим олмоқда.*

*Юқорида зикр этилган фикрларни умумлаштирган ҳолда, миллий мудофаани барпо этиш соҳасидаги чуқур тизимли ўзгаришлар натижасида армиямизнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлик даражаси ва қудрати сезиларли равишда ошди, жамиятимизда, давлатимизда ҳарбий хизматнинг нуфузи, Қуролли Кучларнинг ўрни ва аҳамияти янада янги босқичга кўтарилди, деб таъкидлаш учун бугун барча асосларимиз бор.*

*Ҳарбий қурилиш соҳасида жаҳондаги энг замонавий тажрибаларни ўзида мужассам этган ва айни вақтда миллий анъаналарни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келаётган армиямиз она Ватан хавфсизлиги, халқимизнинг тинч меҳнати ва осойишта ҳаётини, мамлакатимизнинг демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчил тараққий этишини таъминлашнинг ишончли кафолатига айланди.*

*Азиз юртдошларим!*

*Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий-сиёсий вазият Афғонистонда 30 йилдан буён давом этиб келаётган уруш, террорчилик ва экстремистик ҳаракатларнинг сўнгги пайтда фаоллашгани, наркоагрессиянинг кўлами тобора кенгайиб бораётгани сабабли ҳамон кескинлигича қолаётгани, ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас.*

**(Давоми 2-бетда).**



## ЭЛУ ЮРТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ

***Мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир Қуролли Кучларимиз шаклланган, миллий армиямизда хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг ҳақиқий шон-шараф ишига айлангани Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юритилаётган оқилона сиёсатнинг юксак самараларидандир.***

Ҳар томонлама пухта тайёргарликка эга, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан яхши таъминланган Қуролли Кучларни ташкил этиш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар натижасида жаҳондаги энг илғор тажрибаларни ўзида мужассам этган ва айни пайтда халқимиз анъаналарини садоқат билан асраб-авайлаб келаётган том маънодаги миллий армиямиз шаклланди.

Қуролли Кучларимиз халқимизнинг тинч меҳнат қилиши ва осойишта ҳаётини, демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида мамлакатимизни изчил ривожлантиришнинг ишончли кафолатидир. Армиямизнинг қудрати, жамиятдаги аҳамияти, фуқароларимиз, айниқса ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг нуфузи тобора юксалмоқда. Миллий армиямизда ўз Ватанига содиқ, юксак билим ва маҳоратга, маънавий-ахлоқий тарбияга эга йигитлар хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонланмоқда.

"Туркистон" саройида 13 январь куни ушбу байрамга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга аскар ва сержантлар, офицерлар, генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган мурожаатини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Армияни ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган босқичма-босқич ислоҳотлар туфайли Қуролли Кучларни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими шакллантирилди, мамлакатимизнинг ягона мақсад ва вазифалар негизида узвий боғланган ишончли мудофаа комплекси вужудга келди. Қуролли Кучлар сафини тўлдириш ва фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимининг такомиллаштирилгани Қуролли Кучларимизнинг жанговар қобилиятини сезиларли равишда оширди, армиямизни тубдан янгилади. Жумладан, муддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилгани, сафарбарлик-чақирув резерв хизмати жорий этилгани ихчам, замонавий ва профессионал асосдаги армияни шакллантириш имконини берди.

Давлатимиз раҳбарининг Фармонига биноан жорий йилдан бошлаб фуқаролар муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта чақирилиши ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлик дастурларини, ҳарбий ихтисосларни сифатли ўзлаштиришини, Қуролли Кучларимизда ахборот-компьютер технологияларига асосланган таълимнинг замонавий шакл ва услубларини кенг жорий этишни, ҳарбий хизматчиларнинг касб маҳорати ва тайёргарлигини янада оширишни назарда тутади.

Замонавий ўқув базаси билан таъминланган сержантлар тайёрлаш мактаблари, олий ҳарбий билим юртлари ҳарбий тайёргарликни илғор илмфан ва техника ютуқларига асосланган ҳолда олиб бориш учун мустаҳкам замин бўлаётир.

Бу эса миллий армиямизни профессионал кадрлар билан тўлдириш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳар томонлама тайёргарлигини, билим ва кўникмаларини ошириш, маънавий-ахлоқий савиясини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ҳарбий хизматни ўташ шароитини яхшилаш ҳамда Ватан ҳимоячиларига ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Жумладан, ҳарбий хизматчилар ва улар оилаларининг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган алоҳида имтиёзлар жорий этилди. Муддатли ҳарбий хизмат давомида юксак натижаларни қўлга киритган йигитларга олий ўқув юртларига ўқишга имтиёзли кириш учун тавсияномалар берилмоқда. Ҳарбий унвонлар бўйича маошлар, ҳарбий хизматдан бўшагандан кейин тўланадиган нафақалар миқдори муттасил оширилмоқда.

Президентимизнинг Фармонига мувофиқ, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар орден, медаль ва фахрий унвонлар билан тақдирланди. Йиғилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

Йиғилишда сўзга чиққан аскар онаси Малика Валиева, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ командири Мадат Эгамов, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳ командири Валижон Турдиев давлатимиз раҳбарига ҳарбий хизматчиларга кўрсатаётган алоҳида эътибори ва доимий ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик билдирдилар.

Ўзбекистон Қуролли Кучларида анъана тусини олган уч босқичли танловга асосан, 2008 йилда ҳам энг илғор бригада, батальон, взвод, гуруҳ командири ва энг илғор сержант аниқланди. Тадбирда ана шу танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Энг илғор ҳарбий қисм, сержантлар тайёрлаш мактаби ва олий ҳарбий билим юрти ҳам мукофотланди.

Тантанали йиғилиш катта байрам концерти билан якунланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Ҳусниддин БЕРДИЕВ,**
**ЎзА мухбири**
**Аъло Абдуллаев олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, ёшларни миллий ғоя ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун фахрий унвон берилсин:*

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АЛОҚА ХОДИМИ»**

**Губанов Виктор Михайлович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

*Мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатгани, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Аҳмедов Бахтиёр Қосимович** — Ўзбекистон Республикаси Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари бригадаси командири

**Ҳайдаров Аброр** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти ўқув бўлимининг бошлиғи

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Алламуродов Сайфидин Бердишович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Андижон вилояти божхона бошқармаси бошлиғи

**Жўрабеков Умарбек Сотиволдиевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти кафедрасининг бошлиғи

**Саримсоқов Маҳмуджон Тўхтасинович** — Чирчиқ олий танкчи қўмондонлик - муҳандислик билим юртининг кафедра бошлиғи

**Юркевский Константин Эдуардович** — Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг кафедра бошлиғи

**(Давоми 2-бетда).**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Фарғона шаҳридаги ҳарбий қисмда «Камолот» ЁИҲ, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ҳамкорлигида ўтказилган тадбир ёшлар билан Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, мустақил юртимиз сарҳадларини ҳимоя қилишда фидойилик кўрсатган юртдошларимиз ҳамда бугун мамлакатимиз чегараларини ҳушёрлик билан қўриқлаётган Ватан ҳимоячиларининг дилдан суҳбатига айланиб кетди.**

**● Тошкент Ахборот технологиялари университетининг махсус факультетида Республика Маънавият-тарғибот маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман бўлими ҳамкорлигида ҳарбийлар оилалари ўртасида кўрик-танлов ўтказилди.**

**● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган 2008 йилнинг энг яхши маданият, санъат ва спорт намояндаларини шарафлашга бағишланган тантанали маросимда турли вазирлик ва идоралар, муассасалар, жамоат ташкилотлари вакиллари, санъат, спорт усталари ва ижодкор ёшлар иштирок этди.**

**● Бухоро шаҳридаги 2-мактабда шаҳар умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича иккинчи босқич фан олимпиадалари бўлиб ўтди. Унда 17 фандан 502 нафар билимдонлар ўзаро куч синашишди.**

**● Когон болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабида янги «Орзу» спорт мажмуаси ўз фаолиятини бошлади. Ушбу мажмуадан спорт зали, чимли футбол майдони, тўртта теннис корти, баскетбол ва волейбол майдончалари ўрин олган.**

**● Жиззах вилоятида чорвачиликни ривожлантириш мақсадида четдан зотли, наслдор қорамоллар келтириб парваришлаётган фермер хўжаликлари сони 140 тага етди. Жорий йилда сутни қайта ишлайдиган корхоналар сони 6 тага, гўштни қайта ишлайдиган корхоналар эса 3 тага ортди.**

**● Улғайиб келаётган авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш касаба уюшмалари эътиборидаги муҳим масала ҳисобланади. Ёшларнинг дам олиши, жисмонан чиниқиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Чунончи, Маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг Самарқанд вилоят вакиллиги ҳисобида 3384 нафар талаба бор. Тармоқ касаба уюшмаси ташаббуси билан соҳага дахлдор илм даргоҳларида таҳсил олаётган талабаларнинг 5 нафари махсус стипендия билан таъминланяпти. Тармоқ ҳисобидан эса ҳар бир талаба ҳар ойда энг кам маош миқдоридаги маблағ билан таъминланмоқда.**

### ЖАҲОНДА

**● Венесуэла Президенти Уго Чавес адолатли нархлар ўрнатилишини таъминлаш мақсадида Венесуэла ва ОПЕК ташкилоти ўртасида нефт қазишни камайтиришга риоя этилиши борасида келишувга эришилганлигини маълум қилди.**

**● АҚШнинг амалдаги президенти Жорж Буш янги давлат раҳбари Барак Обама инаугурация маросимининг ўтказилиши муносабати билан Вашингтонда фавқулодда ҳолат эълон қилди.**

**● Халқаро мониторинг комиссияси маълумотларига кўра, кеча Украина ўз ҳудудидан Россия газининг Европага транзитини тўхтатиб, ушбу табиий бойлик магистралларини тўхтатиб қўйган.**

**● Кеча Рига шаҳри марказида мухолифат вакилларидан 10000 дан ортиқ киши мамлакат парламенти биноси атрофида бошқарувчи коалициянинг сиёсатига қарши намойишга чиқиб, сеймнинг истеъфога чиқишини талаб этдилар. Таъкидлаш жоизки, ушбу норозиликлар ҳукуматнинг иқтисодий инқироздан чиқиш тўғрисидаги қароридан сўнг юзага келган.**

**● Ингушетияда кўп қаватли уйга қамалиб олган жангарилар ҳамда тартиб посбонлари ўртасида кечган отишув давомида илгари кўплаб қабиҳ жиноятларни амалга оширган уч нафар жангари йўқ қилинди.**

**● «Sony» компанияси «CES 2009» кўргазмасида янги турдаги ноутбук компьютерларини намойиш этди. Компаниянинг мазкур янги маҳсулотига «Windows Vista» дастури ўрнатилган бўлиб, унда Интернетда шуғулланиш, мусиқа тинглаш, лавҳа ва расмларни кўриш вақтида бенуқсон ишлаш имконияти мавжуд. Ноутбук икки гигабайтлик хотирага эга. Унинг умумий оғирлиги бор-йўғи 635 граммни ташкил этади. Бу эса «Sony»нинг ушбу маҳсулоти дунёдаги энг енгил ноутбук эканини кўрсатади.**

**● Франция яқин вақт ичида ёши 12 дан кичик болаларга мобиль телефонларни реклама қилишни таъқиқловчи қонунларни қабул қилишни кўзда тутмоқда.**

**● Зимбабве марказий банки тез орада мамлакат миллий валютаси — долларнинг 50 миллиард қийматига тенг бўлган банкнотнинг муомалага киритилишини билдирди. Бунга инфляция даражаси тобора ошиб бораётгани сабаб бўлган. Айтиш керакки, 50 миллиард долларга Зимбабведа бор-йўғи иккита нон харид қилиш мумкин.**

**● Фотоаппарат ишлаб чиқарувчи машҳур «Polaroid» компанияси ўзининг янги маҳсулотини намойиш этди.«PoGo» номли мазкур рақамли фотоаппарат суратга олинган объектни ўша ондаёқ ишлаб бериш имкониятига эга. Унинг аввалгиларидан фарқи шундаки, туширилган расмларни экранда кўриб, заруриат туғилса, ўзгартиришингиз ҳам мумкин. Бунда битта суратни чиқариш учун бир дақиқадан ҳам кам вақт сарфланади.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 17 ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН МУРОЖААТИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган маҳаллий урушлар, ҳарбий қарама-қаршилик ва можаролар, террорчилик хуружлари халқаро хавфсизликка таҳдид солмоқда.

Буларнинг барчаси ва биринчи навбатда мамлакатни модернизация қилиш, демократик янгилаш бўйича биз танлаган стратегия армиямизни ислоҳ қилишни изчил давом эттириш, уни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, қўшинларнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлиги самарадорлигини ошириш, бир сўз билан айтганда, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва куч-қудратини юксалтиришга эътиборни янада кучайтиришни тақозо этади.

Шу борада қуйидаги вазифаларни амалга ошириш энг муҳим аҳамият касб этади:

**Биринчидан.** Мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган реал таҳдидлар, юзага келиш эҳтимоли бўлган ҳарбий ҳаракатлар майдонининг ўзига хос хусусиятларини чуқур баҳолаш, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг ҳарбий қурилиш борасидаги тажрибасини ўрганиш асосида армиямизнинг қурилиши ва жанговар таркибини, қўшинларнинг бошқарув тизимини янада такомиллаштиришни таъминлаш зарур.

Ҳозирги пайтдаги урушлар ва ҳарбий можаролар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда Қуролли Кучлар аввало тез ва шиддатли тарзда кечадиган маҳаллий жанговар операцияларни амалга оширишга қодир бўлиши, мамлакат иқтисодиётига, муҳим ҳаётий таъминот объектлари ва коммуникацияларга, бегуноҳ одамларнинг ҳаёти ва саломатлигига жиддий зарар етказишга қаратилган қуролли ҳаракатларни содир этишда ҳар қандай бешафқат усул ва шаклларни ишга солишдан қайтмайдиган, яхши қуролланган ноқонуний жангари тўдалар ва қўпорувчи-террорчи гуруҳларга қарши самарали курашишга тайёр туриши даркор.

Шу муносабат билан Бирлашган штаб, ҳарбий округлар қўмондонлигининг энг муҳим вазифаси жанговар бўлинмаларнинг сафарбарлик ва ҳаракатчанлик, ўзини ўзи бошқариш даражасини ошириш, уларнинг мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ва хатарларга қарши тезкор ҳамда самарали жавоб бериш қобилиятини янада кучайтиришдан иборат бўлмоғи лозим. Армиямизда махсус ташкил этилган янги турдаги ҳаракатчан бирлашма ва қисмлар – Махсус операцияларни амалга оширадиган кучлар, Террорчиликка қарши курашиш корпуси, разведка-қидирув взводлари, шунингдек, принципиал жиҳатдан мутлақо янги бўлинмалар – вертолёт-ҳужум взводларининг тезкорлик ва жанговар имкониятларини кенгайтириш ва кучайтириш, уларнинг юқори даражадаги тайёргарлигини таъминлаш, энг замонавий қурол-яроғ ва махсус воситаларга эга бўлишига эришиш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Қуролли Кучлар ва қўшин турлари штаблари ўз саъй-ҳаракатларини турли бузғунчи кучлар, қўпорувчи-террорчи гуруҳлар жиноий ҳаракатларни содир этишда фойдаланиши мумкин бўлган мамлакат мудофааси, давлат чегараларини муҳофаза қилиш тизимидаги заиф бўғинларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда зарур чораларни кўриш бўйича яқин ҳамкорликни таъминлашга қаратиши даркор.

**Иккинчидан.** Бирлашма ва қисмларнинг ташкилий-штат тузилмасини янада такомиллаштириш, фронт орти ва техник таъминот бўлинмаларидаги бир-бирини такрорлайдиган, самарасиз тузилма ҳамда офицерлик лавозимларини қисқартириш ва ихчамлаштириш, бирлашма ва қисмлардаги гуруҳ командирлари лавозимларини сержантлар таркиби ҳисобидан тўлдириш борасидаги ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Буларнинг барчаси, биринчи навбатда армиямизнинг бошланғич бўғинида ташкилий тузилмани тубдан яхшилаш, шахсий таркиб жанговар тайёргарлигининг сифат даражасини ошириш, бўлинмаларнинг кундалик фаолиятини ташкил этишда сержантларнинг ролини кучайтириш, шунингдек, кичик офицерлар таркибининг хизмат фаолиятини, бирлашма ва қисмларни бошқариш тизими самарадорлигини юксалтиришга ёрдам бериши керак.

**Учинчидан.** Армиямизни замонавий турдаги қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан қуроллантириш ўта муҳим вазифа бўлиб, айнан шунинг ҳисобидан армиямизнинг тезкорлиги ва ҳаракатчанлиги, зарур жанговар қудратини таъминлаш мумкин.

Аввало, армиямизни замонавий жанговар ҳарбий техникалар, разведка ва кузатувнинг электрон тизимлари, нишонни юксак даражада аниқ урадиган тезкор қуроллар, самарали алоқа воситалари, шунингдек, якка тартибда ва гуруҳларда қўлланадиган ишончли ҳимоя воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

**Тўртинчидан.** Олий ҳарбий таълим муассасаларининг интеллектуал савияси юксак, дунёқараши кенг, узоқни кўра оладиган офицер кадрларни тайёрлаш борасидаги фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

Ҳарбий билим юртлари қурол-яроғ ва техниканинг замонавий тизимлари ҳамда қўшинларни бошқариш ва жанговар операциялар олиб боришнинг самарали усулларини ўзлаштириш ва синовдан ўтказиш бўйича амалда Қуролли Кучларнинг етакчи ҳарбий-илмий марказларига айланиши даркор. Бунинг учун улар жанговар шароитларга имкон қадар тўла яқинлаштирилган вазиятни моделлаштиришга қодир бўлган энг замонавий тренажёрлар билан жиҳозланиши, ўқув жараёнида моделлаштириш ва симуляция усулларидан кенг фойдаланиши даркор. Шу муносабат билан Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик билим юртида қисқа вақт ичида Қуролли Кучларнинг Махсус моделлаштириш ва симуляция маркази ўқув бўлинмаларини ташкил этиш лозим. Уларнинг зиммасига марказий бўлинмаларнинг моделлаштириш ва симуляция усулларини, шунингдек, армиямизнинг офицер кадрлари ҳамда сержантлари таркибини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёни учун ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш вазифаларини юклаш зарур.

**Бешинчидан.** Муддатли ҳарбий хизматга бир йилда бир марта чақириш тизимига ўтиш, ёшларнинг ҳарбий чақириқдан олдинги тайёргарлик даражасига талабларнинг ортиши, шу билан бирга, армияда шартнома асосида хизмат қилишнинг кенгайиши мудофаа ишлари бўйича бўлинмалар ва бошқармалар фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишни талаб этади. Қуролли Кучларнинг кадрлар таркиби ва сафарбарликка тайёргарлик даражасини яхшилаш борасидаги барча ишларимизнинг самарасини кўп жиҳатдан белгилаб берадиган ушбу бўлинмаларда ҳарбий хизмат соҳасида катта тажрибага эга, армия билан яқин алоқада бўлган, унинг муаммоларини, бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳияти ва мақсадларини яхши биладиган офицерлар ишлаши даркор.

**Олтинчидан.** Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, армияда моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган кенг кўламли чора-тадбирларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Яқин йиллар ичида ўнлаб замонавий ҳарбий шаҳарчаларни барпо этиш ва реконструкция қилиш, бу объектларда энг юксак талабларга ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ва инфратузилмаларни яратиб беришимиз керак. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш бўйича тасдиқланган, 2015 йилгача мўлжалланган давлат дастурининг сўзсиз бажарилишига эришиш, ҳарбийларимизга тиббий, курорт-санатория хизмати кўрсатишни яхшилаш чораларини амалга ошириш лозим.

**Еттинчидан.** Ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада такомиллаштириш даркор. Барча бўғиндаги командирларнинг фаолияти офицерлар, сержантлар ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият ҳисси билан яшаш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш туйғусини янада кучайтиришга қаратилиши лозим. Армия амалда ёшларни маънавий, жисмоний жиҳатдан баркамол инсон ва етук граждан сифатида вояга етказадиган ҳаёт мактабига айланиши шарт.

Қуролли Кучларимизнинг жанговар қобилияти, мамлакатимиз хавфсизлиги ва жамиятимиздаги маънавий-ахлоқий муҳит бевосита ушбу вазифаларнинг нечоғлик муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқ эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ҳурматли ватандошлар!

Армиямизнинг қудрати – аввало, унинг халқимиз ҳаёти билан чамбарчас боғланган мустаҳкам ришталарида, узвий алоқасида намоён бўлади.

Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафида Ватан манфаатларига чин дилдан садоқатли, муқаддас заминимиздаги тинч ва осуда ҳаётни кўз қорачиғидек асраб келаётган энг муносиб йигит-қизларимиз хизмат қилмоқда. Уларнинг фаолияти, жанговар азму шижоати ҳар қачонгидан ҳам юқори баҳоланиб, халқимизнинг юксак ҳурматига сазовор бўлмоқда, ҳарбий хизматчининг ўзи эса давлатимиз ва жамиятимиз ғамхўрлигини амалда ҳар томонлама чуқур ҳис этмоқда.

Мана шу қутлуғ байрам кунида мен Қуролли Кучларимиз сафида Ватанни ҳимоя қилишдек мураккаб, айни пайтда дунёдаги энг олижаноб ва масъулиятли бурчни шараф билан адо этаётган мард ва жасур инсонларнинг ота-оналарига ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этаман.

Сиз, азизларни, сизларнинг оила аъзоларингиз ва яқинларингизни Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 17 йиллиги билан яна бир бор табриклайман. Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, она Ватанимиз равнақи йўлидаги хизмат фаолиятингизда янги муваффақиятлар, ғайрат-шижоат, бахт ва омад тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

## II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Атаханов Шухрат Матякубович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ғаниев Шухрат Абдулхаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг командири

**Қуватов Зафар Ўроқович** — Қарши шаҳар ички ишлар бўлимининг катта ёнғин ўчирувчиси

**Набиев Суҳбат Абдусаломович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг секция командири

**Турсунов Паҳлавон Ёрқинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг катта сапёри

**Турсунов Раҳматулла Суннатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг взвод командири

**Файзиев Бахтиёр Алимович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси бўлимининг бошлиғи

**Юсупов Равшан Собирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

## «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдинабиев Шавкат Озодбекович** — Ўзбекистон Республикаси Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари бригадасининг авиация эскадрильяси командири

**Айнақулов Иброҳим Тожибоевич** — Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти кафедрасининг катта ўқитувчиси

**Джакбаров Қодиржон Аминжонович** — Фарғона вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи

**Жалолов Алижон Ғоибназарович** — Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультетининг кафедра бошлиғи

**Қаюмов Файзулла Абдулҳайевич** — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяси

**Мирфайзиев Анвар Ҳамидович** — Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг кафедра бошлиғи

**Попко Николай Иванович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

## «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуваҳобов Абдусаид Абдувалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Абдуллаев Ихтиёр Баҳодирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари взводининг мутахассиси

**Абдуллаев Хислатхон Уйғунович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Абдусафоев Нематжон Абдухафизович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири

**Авазов Санжар Раҳмонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Андақулов Ўткир Абдумаликович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригада командирининг ўринбосари

**Аҳмедов Умиджон Турсунович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Бозоров Маҳмуд Ражабович** — Бухоро шаҳар ички ишлар бўлимининг катта ёнғин ўчирувчиси

**Дивонов Озодбек Улуғбекович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг командири

**Камолов Амиршод Облоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг мутахассиси

**Қодиров Асроржон Солижонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири

**Матсапоев Улуғбек Бекпўлатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг мутахассиси

**Мирзаев Бобиржон Тоҳиржонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Небиев Дилявер Решатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Пардабоев Муродулла Норбекович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг мутахассиси

**Раҳмонов Қутлуғжон Абдуманонович (марҳум)** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг мутахассиси

**Раҳмонов Мурođжон Юлдашевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округининг хизмат бошлиғи

**Раҳматов Рустамжон Норқулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Раҳматуллаев Улуғбек Азратқулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бўлим бошлиғи

**Раҳмонов Илҳом Эргашевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводининг мутахассиси

**Раҳмонов Самариддин Суюнович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг мутахассиси

**Сайитов Мизроб Чориевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг мутахассиси

**Тожибоев Тоҳиржон Пўлатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Тохтимаметов Фаррух Маҳмудович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Тошпўлатов Бахром Мухторович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисмининг қоровул бошлиғи

**Тўраев Садулла Бобожонович** — Шимоли-ғарбий ҳарбий округ ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси

**Турдиев Валижон Саидович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг командири

**Туробов Завқиддинжон Эргашович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари взводининг командири

**Турсунов Рўзимурод Бекмуродович** — Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси авария-қутқарув гуруҳининг қутқарувчиси

**Тўхтамишев Абдураҳим Амирқулович** — Самарқанд шаҳар ички ишлар бўлимининг катта ёнғин ўчирувчиси

**Ўролов Суннатилло Ражабалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ҳамроев Ўктам Мамаюсупович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ҳожиев Тўлқин Туйғунович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шамсутдинов Шухрат Мэлсович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисмининг батальон командири

**Шерназаров Жўрақул Равшанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Эгамов Мадат Озодович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ командири

**Юлдашев Сухроб Рашидович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг дивизион командири

## «СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Арамов Шарофиддин Хошимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг командири

**Атабаев Маъмур Муртазоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводининг мутахассиси

**Аҳмедов Шариф Жамолиддинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг марказ бошлиғи

**Бобожонов Саъдулла Эргашевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Бобомуродов Элмурод Ҳамидович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Сирдарё вилояти божхона бошқармаси катта инспектори

**Байбеков Равиль Абубакирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг хизмат бошлиғи

**Ботиров Қаҳрамон Жўраевич** — Шарқий ҳарбий округ ҳарбий судининг судьяси

**Баҳронов Шарофитдин Шарифович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг командири

**Ғоипов Акбар Жўраевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Дадахонов Шухрат Алижонович** — Бухоро вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи

**Ибрагимов Мардонбек Иргашевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси "Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси катта инспектори

**Иброҳимов Зафар Каримович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Исмоилов Тимур Уразбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Қўчқоров Маҳамаджон Мамадалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисмининг қоровул бошлиғи

**Маматов Ҳусниддин Муфатхонович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти бошлиғининг ўринбосари

**Мирзақулов Дилшод Раҳимжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводининг катта техниги

**Нажимов Тоҳритдин Зуҳридинович** — Тошкент вилоят Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг бошлиғи

**Норқўзиев Шухрат Номазович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадаси командирининг ўринбосари

**Нормуротов Фахритдин Юсуфович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводининг командири

**Обидов Отабек Ғаниевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳи командирининг ўринбосари

**Пак Дмитрий Викентьевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Пармонов Низом Сарибаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригада командирининг ўринбосари

**Раупов Мехрож Болтаевич** — Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратурасининг бўлим бошлиғи

**Рўзиев Шерали Рамазонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Рўзметов Рустам Абдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Саджид Юрий Гульмухаммедович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штабининг бўлим бошлиғи

**Токпулатов Сакберген Каипбергенович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг секция командири

**Турғунов Тўйчи Умарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Умирзоқов Муроджон Хўжамуротович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ҳайдаров Алиёр Каримович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси бўлимининг бошлиғи

**Худоёров Олимжон Дониёрович** — Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти кафедрасининг катта ўқитувчиси

**Худойқулов Нормўмин Янгибоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг ҳайдовчи-механиги

**Шарипходжаев Сайдолим Сайдазимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шерматов Тоҳир Фаридович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг командири

**Эшматов Абдурауф Ҳасанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Юлдашев Исроил Исломович** — Андижон вилоят Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг бошлиғи

**Яллақаев Зокир Юсупович** — Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти кафедрасининг мутахассиси

## «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуллаев Отабек Комилович** — Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг курсанти

**Акбарова Гулнорахон Аъзамовна** — Ҳарбий-телекоммуникация йўналишидаги Тошкент академик лицейининг кафедра мудири

**Алибеков Тиркаш Эргашевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ мутахассиси

**Баратов Музаффар Эшқобилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взвод командирининг ёрдамчиси

**Жуманиёзова Тўтижон Мадаминовна** — Ҳарбий-юридик йўналишидаги Урганч академик лицейининг кафедра мудири

**Искандаров Ўктам Хатамович** — Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг автомобиль мактаби ўқитувчиси

**Исроилов Носир Муродович** — Тошкент вилоят Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бўлимининг бошлиғи

**Қозоқов Илҳомбек Бозорбоевич** — Давлат божхона қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси бўлинма бошлиғи

**Мадалиев Санжарбек Олимович** — Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультетининг курсанти

**Маҳмудов Бовмат** — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяси

**Маҳмудов Сарваржон Оқбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Сурхондарё вилояти бошқармаси кўрикдан ўтказиш гуруҳининг кичик инспектор-кинологи

**Меликулов Бектош Эргашевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг секция командири

**Муқумов Зиёдулло Туробович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисмининг гуруҳ командири

**Мусаев Руслан Нарзуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактабининг таъминот гуруҳи техниги

**Обидов Раҳимжон Обидович** — Чирчиқ ҳарбий суди раисининг ўринбосари

**Омонов Фазлиддин Келдиёрович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Сатторов Обиддин Усанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг секция командири

**Тўраев Беҳзод Маҳсудович** — Чирчиқ олий танкчи қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг курсанти

**Турсунбоев Аброржон Ўктамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг секция командири

**Ўктамов Хайрулло Рустамжонович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юртининг ўқитувчиси

**Ҳамидов Фарҳод Адизович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг мутахассиси

**Худенов Ҳасан Юсупович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм командири

**Эргашева Замира Файзуллаевна** — Ҳарбий-қурилиш йўналишидаги Самарқанд академик лицейининг ўқитувчиси

**Юсупов Жасурбек Одамбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Хоразм вилояти бошқармасининг кичик инспектор-кинологи

**Юсупов Зухритдин Юсупхонович** — Наманган вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси авария-қутқарув гуруҳининг ҳайдовчиси

**Якушкин Александр Владимирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2009 йил 12 январь*

# БУГУН — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

**ҲАР ЙИЛИ ЯНГИ ЙИЛ КИРИБ КЕЛИШИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗДА ЯНА БИР МУҲИМ БАЙРАМГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛАДИ. ҲА, БУ ИЛҒАГАНИНГИЗДЕК, 14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ. БУ КУННИ НАФАҚАТ ҲАРБИЙЛАР, БАЛКИ ТУРЛИ СОҲАЛАРДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН КЕКСАЮ ЁШ БИРДЕК ЗЎР ШОДУ ХУРРАМЛИК БИЛАН НИШОНЛАЙДИ. ЧУНКИ, ЎЗИНИ ШУ ЮРТНИНГ МУНОСИБ ФАРЗАНДИ ДЕБ БИЛГАН ҲАР БИР КИШИ ВАТАН ҲИМОЯЧИСИ БЎЛИШНИ, УНГА САДОҚАТ ВА СИДҚИДИЛДАН ХИЗМАТ ҚИЛИШНИ ЎЗ БУРЧИ ДЕБ БИЛАДИ ВА ШУНГА ИНТИЛАДИ.**

## МЕНИНГ АРМИЯМ — МЕНИНГ ТАЯНЧИМ

Ватан ҳимоячиси. Икки оғиз сўздан иборат мазкур жумлада қанчалар масъулият, шараф мужассам. Албатта, бу шарафли номга эришиш осонмас. Ўзингиз ўйланг, биргина оиланинг ишончига эришиш, уни ҳимоя қилиш ва оқлаш қанчалар мушкул. Бас, шундай экан, Она ватан ишончини қозониш, унинг муносиб ҳимоячисига айланиш кишидан нечоғлик катта масъулият талаб этишини тасаввур қилиш қийинмас.

Бугун мамлакатда ватан учун хизмат қилишга, унинг бирор бир корига ярашга интилаётган ёшларнинг сони кундан-кун ортаётир. Бунга сабаб нима, деган ўринли савол туғилиши табиий? Ахир ёшларимиз кечагина армия деса, бир қадам нари қочиб, кўзида ёш билан гўё йигитлик бурчини эмас, балки улкан бир бажарилиши мушкул вазифага жўнаётгандек ўзини ҳис қиларди. Бугунчи? Бугунги ёшлар ҳарбий хизматга боришни шараф билиб, чинакам йигитлик бурчини ўташга хурсандчилик билан отланмоқда.

— Хизматга келишдан олдин айрим собиқ иттифоқ даврида хизмат қилган ҳамқишлоқ йигитлар армия тўғрисида турли гаплар айтиб бизни чўчитишга ҳаракат қиларди. Билмадим, балки уларнинг даврида шундай бўлгандир, аммо ҳозирда ундай ортиқча ҳаракатлардан из ҳам йўқ. Ҳамма нарса ҳарбий тартибга бўйсундирилган. Хизматга келганимга уч ойдан ошган бўлса-да, ўзимни уйдагидек ҳис этаяпман. Кўплаб дўстлар орттирдим. Тўғрисини айтсам, аскарликка болалигимдан ҳавас қиламан. Телевизордами ёки қишлоғимиздан бирорта йигит ҳарбий бурчини бажариб қайтадими, ҳарбий либос кийган кишини кўрсам қувониб кетардим. Айниқса, акамнинг хизмат йиллари тушган суратларини томоша қилганимда қачон катта бўламану, хизматга чақириламан, деб орзу қилардим. Бахтимизга бугунги армия тубдан ўзгариб янгича қиёфа касб этаётгани янада сидқидилдан ватанга хизмат қилишимизга имкон яратди. Ниятим, келажакда хизматни шартнома йўналишида давом эттириб, фаолиятимни ҳарбий ҳаёт билан чамбарчас боғлаш, — дейди ўз ҳарбий бурчини Бухоро вилоятида ўтаётган аскар Фурқат Мавлонов.

Ёки Сурхондарёда хизмат қилаётган оддий аскар Беҳзод Меликуловнинг айтишича, бугунги армия чинакам йигитлар тобланадиган масканга айланган. — Мақсадим хизматдан кейин ички ишлар идораларида хизмат қилиш. Шу боис ҳозирдан шу касбнинг сирасрорларини пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилаяпман, — дейди у.

Шу каби армияда хизмат қилиб, миннатдор бўлаётган ёшларимиз талайгина. Бу миллий армиямизда чинакам маънода профессионал аскарлар тайёрлаш борасида олиб борилаётган амалий ишларнинг ёрқин намойишидир.

Шу ўринда миллий армиямиз борасида икки оғиз сўз. Сир эмаски, илгари миллий армия тўғрисида гапириш тугул хаёлга келтиришга ҳам чўчирдик. Чунки "катта оға"ларнинг назарида ҳеч қандай миллий армия борасида гап бўлиши мумкин эмасди. Ўзбекистон ўзининг мустақил миллий армиясига эга бўлиши гўё уларнингча мантиққа зид, ҳеч қачон ўзини-ўзи ҳимоя этолмасди. Ўша кезлари айримлар "Туркистон" ҳарбий округининг генералларисиз армияни тасаввур қилолмасди. Эндиликда юртдошларимиз, қолаверса дунё аҳли ҳам бу тасаввурлар ёлғон ва чўпчак эканлигини яхши билди. Президентимиз — Қуролли Кучларнинг Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг узоқни кўзлаб олиб борган оқилона саъй-ҳаракатлари билан миллий армиямиз оёққа турди ва киноямуз назар ташлаб турганларнинг сохта қарашлари чилпарчин бўлди. Мамлакатимизнинг миллий армияга эга бўлишининг муҳимлигини кимдир яхши англолмас, аммо бунга қадар хизмат даврида камситилган ва ҳақоратланганлар бунинг қадрини яхши ҳис этишади.

— Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари хизматда бўлганман. Хизматдан олдин билим юртини тамомлаб, ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлгандим. Шу боис хизматга боргач, мени ҳайдовчилар сафига ёзишди. Аммо ҳар биримизга машина бериш олдидан миллатимизни сўрашди, "ўзбек" дегандим бир четга чиқариб қўйишди. Сабабини сўрасам, "Сенларнинг техникани тушунишингга бироз бор", дейишди. Лекин энг мушкул лаҳзаларда турли вазиятдан техникани олиб чиққанимни кўргандан кейин адашганлигини тан олишди ва янги машиналардан бирини беришди, — дейди собиқ аскарлардан бири бухоролик Жўрақул Ҳайдаров.

Бундай аламли лаҳзалар биргина юқоридаги юртдошимизнинг эмас, кўпчиликнинг бошидан ўтган. Қачонки, Ўзбекистон ўз миллий армиясига эга бўлгач, бундай камситишлар барҳам топди ва аскарларимиз бор куч ва маҳоратини намойиш этиб, халқаро майдонларда ҳам юртимиз номини оламга таратмоқда. Тажриба алмашиш учун ўтказилаётган халқаро тайёргарлик машқлари, турли танловларда қўлга киритилаётган муваффақиятлар аскарларнинг нечоғлик юксакликка интилаётганидан далолат беради. Ана шулар хаёлга келганда шундай миллий армияга эга эканлигимиздан тўлқинланиб, кўксимиз фахрга тўлади. Ғурурлангандан беихтиёр киши "Менинг армиям — менинг таянчим" деб баралла айта олади. Айниқса, бугунгидек байрам кунларида армиямиздан, унинг аскар ўғлонларидан ҳар қанча фахрлансак ярашади.

Халқимиз бундай осойишта ва фаровон кунларга осонликча етгани йўқ. Шу боисдан ҳам ўзини шу юртнинг фуқароси деб билган киши борки, ҳар бир йилнинг, ҳар бир дақиқанинг, ҳар бир куннинг қадрига етиб яшайди.

**Алоуддин ҒАФФОРОВ,**
**"Туркистон-пресс"**



*«Ватанпарвар» ташкилотларида*

## ОНА-ВАТАНГА САДОҚАТЛИ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙМИЗ

**БУГУН БУТУН МАМЛАКАТИМИЗДА 14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА РЕСПУБЛИКА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН КАТТА БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ, ТАНЛОВ ВА СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА.**





Хусусан, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ҳам мутасадди ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Ватанни ҳимоя қилиш ҳарбий хизматчининг бурчидир» мавзуида катта тадбир ўтказилди. Ушбу тадбирда уруш ва меҳнат фахрийлари, Тошкент шаҳар Маънавият тарғибот маркази, шаҳар «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари вакиллари, Тошкент бирлашган техника мактаби курсантлари ва фаол ёшлар иштирок этишди.

— МК «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан шаҳар ҳокимлиги билан тасдиқланган дастур асосида бир қанча оммавий ватанпарварлик тадбирлари ўтказилди. Жумладан «Ватан фидойи фарзандларини унутмайди!» мавзусида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасида тантанали тадбир уюштирилди. Тадбирда турли давлат ва жамоат ташкилотларидан вакиллар, фахрийлар ҳамда Тошкент бирлашган техника мактабининг курсантлари иштирок этишди, — дейди биз билан суҳбатда МК «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Иззат Яманов.

Бундай тадбирларни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад чақириққача бўлган ёшларнинг маънавий-ахлоқий қарашларини шакллантириш, она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада чуқурроқ сингдириш ҳамда аждодларимизнинг мангу хотирасига нисбатан эҳтиром кўрсатишдан иборатдир.

Шунингдек, Яккасарой, Миробод, Ҳамза, Юнусобод, Учтепа туман Кенгашлари томонидан «Шонли Ватан тарихи» музейига курсантларнинг ташрифлари уюштирилди.

Тошкент бирлашган техника мактабида курсантлар билан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида олиб борилаётган ислоҳотларни тушунтириш, ҳарбий хизматга чақирув ёшида бўлган фуқароларга замонавий ҳарбий анъаналарни тарғиб қилиш, Ватанга бўлган муҳаббат ва ғурур ҳиссини янада оширишга қаратилган маънавий-маърифий очиқ дарс ўтказилди.

Сергели туманидаги молия коллежида «Миллий армиямиз Мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» мавзусида туман мудофаа бўлими, «Камолот» ЁИҲ, Маънавият тарғибот маркази туман бўлимлари ҳамкорлигида семинар-тренинг ташкил этилди.

МК «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгашида ўтказилган катта байрам тадбирида эса «Энг тажрибали устоз», «Энг малакали ўқув муассаса раҳбари», «Энг моҳир ўргатувчи уста», «Энг илғор туман Кенгаши раиси», «Энг илғор бошланғич ташкилот раҳбари», «Энг илғор ЎСТК раҳбари», «Тадбиркор раҳбар», «Йилнинг энг яхши спортчиси», «Энг яхши мураббий», «Энг яхши ҳакам» номинациялари бўйича кўрик-танловларнинг шаҳар босқичи ўтказилиб ғолиблар республика танловига тақдим этилди.

Туман ташкилотларида тўгараклар ва ватанпарварлик клублари фаолиятини жонлантириш мақсадида спортнинг техник ва амалий турлари бўйича ҳамда мотокросс, автокросс, ўқ отиш турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: МК «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар кенгашида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

## ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТДАН ФОЙДАЛАНИБ

**Мамлакатимизда ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосида ёш ҳарбийларнинг оилалари ҳам имтиёзли кредитлардан кенг фойдаланмоқда.**

Акциядорлик тижорат «Ипотекабанк»нинг Тошкент шаҳар филиалидан маълум қилишларича, 2008 йилда 286 ёш оилага 9,9 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредити ажратилган. Шунингдек, икки юздан ортиқ ёш оила мебель ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган зарур анжомлар сотиб олиш ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун 395 миллион сўм истеъмол кредити олган.

Оила эҳтиёжлари ва уй-жой қуриш, сотиб олиш, таъмирлаш мақсадида банкдан имтиёзли кредитлар олаётган ёшлар орасида ҳарбий соҳа вакиллари, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшлар ҳам бор. Йигитлик бурчини муваффақиятли ўтаб, ҳозирда ички ишлар бошқармасида фаолият юритаётган Илёс Назиров улардан бири. У "Ипотекабанк"нинг Шайхонтоҳур филиали орқали 15 йил муддатга 25 миллион сўм имтиёзли кредит олди.

— Кредит эвазига икки хонали шинам уй сотиб олдик, — дейди И.Назиров. — Мамлакатимизда ёш оилаларга берилаётган ҳар томонлама ёрдам, Юртбошимизнинг биз каби ёшларга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлигидан миннатдормиз.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

**АЗАЛ-АЗАЛДАН ВАТАНИГА, ХАЛҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ ҲАР БИР ИНСОН УЧУН МУҚАДДАС ВА ШАРАФЛИ БУРЧ САНАЛИБ КЕЛИНАДИ. БУ ЭЗГУ ТУЙҒУНИНГ ЙИГИТ КИШИ ҚАЛБИДА ШАКЛЛАНИШИДА ҲАЁТ МАКТАБИ — АРМИЯНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁСДИР.**

## МАҚСАД САРИ ШИЖОАТ БИЛАН

Зеро, ҳар бир аскар ҳарбий хизматнинг илк кунлариданоқ юрт тинчлиги, Ватан сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш ўз зиммасига юклатилган энг шарафли вазифа эканлигини юракдан ҳис этади. Ҳарбийликнинг ҳақиқий эр йигитлар касби эканлигини англаб етади. Кичик сержант Жонибек Эшонқулов ҳам айнан ўз умрини ҳарбийликка бағишлаганлардан.

Унинг ҳарбий хизмат ҳақидаги тасаввурлари, билимлари мактабда, чақириққача ёшларни тайёрлаш дарсларида шаклланган. Унда олиб борилган машғулотлар кўргазмали воситалар, қизиқарли спорт мусобақалари Жонибекнинг қалбида шарафли касбга бўлган меҳр-муҳаббатни уйғотди. Шу боисдан ҳам у ҳали мактабда ўқиб юрган кезлариданоқ ҳарбий соҳа вакили бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Халқимизда астойдил истасанг албатта мақсадингга етасан, деган пурмаъно сўз бор. Ушбу сўзнинг нақадар тўғри айтилганини Жонибек барча йигитлар қатори муддатли ҳарбий хизматга келганидан сўнг англади. Чунки армия унинг мақсад томон қўйилган биринчи қадами бўлди, десак янглишмаймиз.

Бир йиллик хизмат жараёни у учун ҳақиқий синов ва матонат даври бўлди. Ҳарбийча ҳаёт унинг қалбидаги орзуни аниқ мақсадга айлантирди ва у муддатли ҳарбий хизматни якунлаганидан сўнг шартнома бўйича хизматни давом эттиришга жазм этди. Ота-онаси ҳам ўғилларининг ҳарбийликдек шарафли касбни танлаганини қувонч билан кутиб олдилар. Унинг тинчлигимизга посбон бўлаётганидан фахрланиб, катта мақсадларни кўзлаган ўғилларига оқ йўл тиладилар.

— Ҳарбийлик касбига бўлган меҳрим муддатли хизматни ўтаётганимда янада ортган эди, — дейди биз билан суҳбатда қаҳрамонимиз. — Ўшанда қисм командиримиз орзу-истакларимни илғаб, менга шартнома асосида хизматни давом эттиришимни маслаҳат берди. Айтилган бу сўзлар, қолаверса, касбга чин дилдан меҳр қўйиб интилганларим ижобий тасдиғини топди ва кўриб турганингиздек мана бугун эгнимда ҳарбий либос, эл-юрт тинчлиги йўлида хизмат қилаяпман.

Ҳаётда эришган ютуқлари армия билан чамбарчас боғлиқ бу ўғлон бугунги кунда илғор сержант, етук профессионаллардан бири бўлиб шаклланмоқда. Айни пайтда гуруҳ командири вазифасида хизмат қилиб қўл остидаги аскарларга ҳарб илми сирларини моҳирлик билан ўргатиб келаяпти. У мавсумий ўқув машғулотларида, синов ва имтиҳонларда ўзининг масъулиятлилиги, талабчанлиги ва интилувчанлиги билан ижобий натижаларни қўлга киритишга ҳаракат қилади.

— Аскарлар билан ишлаш жуда масъулиятли вазифа, — дейди кичик сержант Эшонқулов. — Шу боисдан ҳам гуруҳимдаги йигитларга жанговар тайёргарлик, қоровуллик хизмати, тактика ва жисмоний тайёргарлик каби машғулотларни юқори савияда қизиқарли қилиб олиб боришга ҳаракат қиламан. Чунки посбонларимиз ҳарб илмидан қанчалик чуқур билим олишса, осойишталигимиз ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади.

Ҳа, ҳар кимнинг ҳаётда ўз олдига қўйган мақсади бор. Айнан шу мақсад олис манзиллар, улуғ ишлар сари етаклайди, доим далда ва мадад бўлади. Тўғри, уни ҳаётга тадбиқ этиш ёки амалга ошириш биз ўйлаганчалик осон кечмаслиги мумкин. Бундай пайтларда муваффақиятга бўлган ишонч, ички куч ўзини намоён этади. Лавҳамиз қаҳрамони Жонибек Эшонқулов ана шу ҳаётий ҳақиқатни чуқур англаб етган ҳолда мақсадлари томон дадил қадам ташлашда давом этмоқда. Бу йўлда унга омад ва муваффақият ёр бўлишига тилак билдириб қоламиз.

**Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА**

## ЖАСОРАТ ДАРСИ ЎТКАЗИЛДИ

**МК «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИ ЧИЛОНЗОР ТУМАН КЕНГАШИДА «ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ» ОЛДИДАН БЎЛИБ ЎТГАН ТАДБИРДА СПОРТ ТЕХНИКА КЛУБИ РАКЕТАМОДЕЛЧИЛАРИ ЎЗ МОДЕЛЛАРИ БИЛАН ҚАТНАШИШДИ, СПОРТ ТЕХНИКАЛАРИ ҲАМ КЎРГАЗМАГА ҚЎЙИЛДИ.**

Оммавий ватанпарварлик ойлигини ўтказиш дастурига мувофиқ Чилонзор туман Кенгаши томонидан мактаблар, касб ҳунар коллежлари ўртасида «Ўзбекистон Қуролли Кучлари — миллий хавфсизлик ва суверенитет гарови» мазмунида тадбирлар ўтказилди. Ушбу тадбирда мактаб ўқитувчи, ўқувчилари, спорт-техника клуби етакчи ўқитувчилари фаол қатнашди. Ойлик давомида ўқувчи-ёшлар билан оммавий спорт мусобақалари ўтказилди. Масалан, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида милтиқдан ўқ отиш, ракета моделлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

— Ҳозирги кунда спорт техника клубимиз спорт мусобақалар бўйича яхши кўрсаткичларга эришиб келмоқда, — дейди МК «Ватанпарвар» ташкилоти Чилонзор туман кенгаши раиси Асатилла Мадияров.

Клубимизнинг Ўзбекистон биринчилиги мусобақаларида қатнашиб фахрли ўринларни эгаллагани фикримиз далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ҳушёрликка даъват», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» китоблари асосида 131-ўрта мактаб ва «Новза» маҳаллаларида суҳбатлар ўтказилди. Ушбу тадбирда 100 дан ортиқ ёшлар, «Новза» маҳалласи фаоллари, Маънавият-тарғибот маркази ва туман «Маҳалла» жамғармаларидан вакиллар ва ўқув спорт-техника клуби етакчи ўқитувчилари қатнашдилар.

Ойлик давомида Чилонзор туманидаги ўрта мактаблар ўқувчилари билан «Хотира ва Қадрлаш» майдонига зиёратлар уюштирилди. Ушбу тадбирда 150 дан ортиқ ўқувчилар қатнашдилар. Радиотехника ва Автоматика касб-ҳунар коллежида «Жасорат дарси» ташкил этилди. 131, 128, 163, 173-ўрта мактаблар ўқувчилари орасида «Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида хизмат қилиш-фахр ифтихор», Конституцияда белгиланган бурч ва вазифалар мавзуида суҳбатлар ўтказилди. Барча ўтказилаётган тадбирлар қизиқарли ва мазмундорлиги билан қатнашчиларда яхши таассурот қолдирди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК КАФОЛАТИ

**МАРКАЗИЙ ОФИЦЕРЛАР САРОЙИДА 14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН «МИЛЛИЙ АРМИЯ—МУСТАҚИЛЛИК, ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТ КАФОЛАТИ» МАВЗУСИДА БАЙРАМ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Республика Маънавият-тарғибот маркази, Мудофаа вазирлиги, Ўзбек миллий академик драма театри ҳамда Халқаро Амир Темур жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мустақиллик йилларида мамлакат мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, сарҳадлар дахлсизлигини таъминлаш ва қуролли кучлар шахсий таркибини яхши тайёрланган, мард ва бақувват йигитлар билан тўлдириш борасида муайян ишлар амалга оширилгани алоҳида таъкидланди. Бу ўз навбатида барча талабларга жавоб бера оладиган, замонавий қурол-яроғ билан таъминланган миллий армиянинг шаклланишига замин яратди.

Тадбирда таниқли адабиётшунослар, санъат ходимлари иштирокчиларни байрам билан табриклаб, машаққатли ва шарафли касбларига омад тилашди.

— Бугунги байрам тадбирида иштирок этаётганимдан бениҳоят хурсандман, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов. — Бу ерда ўтирган ҳар бир аскар нигоҳидан мен ватан сарҳадлари мард йигитлар қўлида эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Ватан ҳимояси учун отланган ҳар бир фарзанд юрагида боболаримиз руҳи, куч-қудрати жўш уриб туради. Бугунги тинч ва фаровон ҳаёт, шубҳасиз, шу ўғлонлар қўлида.

Тадбирда Ўзбекистон халқ артистлари Ёқуб Аҳмедов ва Теша Мўминов, хизмат кўрсатган артистлар Саидкомил Умаров, Тоҳир Саидов, Раъно Ярашеваларнинг бадиий чиқишлари ўзгача руҳ бахш этди. Ватан меҳри, унинг буюклиги акс этган саҳна кўринишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Байрам тадбирини «Ўзбекнаво» ва Марказий офицерлар саройи хонандалари ижросидаги ватан мадҳига бағишланган куй ва қўшиқлар якунлаб берди.

## «КЕЛИНГ, БЕЛЛАШАМИЗ»

**МАРКАЗИЙ ОФИЦЕРЛАР САРОЙИДА ОЛИЙ ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН «КЕЛИНГ, БЕЛЛАШАМИЗ» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ЯКУНИЙ БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Айтиш жоизки, танловнинг қуйи босқичлари ҳарбий таълим муассасаларида кўтаринки руҳда ўтказилди ва ҳар томонлама билимга эга бўлган беш нафар йигитлар саралаб олинди. Якуний босқичда Самарқанд Олий Ҳарбий Автомобил Қўмондон муҳандислик билим юртининг «Омад», Жиззах Олий Ҳарбий Авиация билим юртининг «Парвоз», Чирчиқ Олий Танк Қўмондон муҳандислик билим юртининг «Танкчи», Тошкент Олий Умумқўшин билим юртининг «Сардор» ва Тошкент Ахборот технологиялари университетининг "Махсус" факультети «Лочин» жамоалари ғолиблик учун беллашди.

Танловда ғолиблар бешта «Энг яхши созанда», «Энг яхши ижрочи», «Энг яхши ҳаваскор шоир» ва « Аскиячилик» йўналишлари бўйича аниқланди.

— Ҳар бир жамоа тайёргарликни юқори савияда олиб борган. Танловда ҳамма ғолиб бўлишга ҳақли десам муболаға бўлмайди,— дейди Самарқанд Олий Ҳарбий Автомобил қўмондон муҳандислик билим юрти «Омад» жамоаси мураббийи майор Исроил Собиров. — Бу зукко ва билимдон йигитларни кўриб ватанимиз ҳар томонлама бақувват, юқори билимли ёшлар қўлида эканлигига яна бир карра ишондим. Жамоамизга келсам йигитларимиз бўш келмаслигига ишонаман.

Танловда созандалик бўйича «Сардор» жамоаси вакили Бобомурод Алиев, билимдонликда «Танкчи» вакили Нуриддин Мўминов , аскиячиликда «Сардор» вакили Ёркин Юсупов, шоирликда ТАТУ «Лочин» вакили, ижрочиликда эса «Омад» вакили Ҳабибулла Ҳасановлар ғолибликни қўлга киритди. Умумжамоа ҳисобида эса биринчи ўрин «Танкчи», иккинчи ўрин «Сардор» ва учинчи ўрин «Лочин» жамоаларига насиб этди.

**Ботир МУСУРМОНОВ,**
**«Туркистон-пресс»**

*Иқтисодиёт*

## ЯНГИ РЕЖАЛАР АСОСИДА

**МАМЛАКАТИМИЗДА КАСАНАЧИЛИКНИНГ РИВОЖИДА, КАСАНАЧИЛАР САФИНИНГ ОРТИШИДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2006 ЙИЛ 5 ЯНВАРДАГИ «ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИ БИЛАН КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТЛАР ЎРТАСИДА КООПЕРАЦИЯНИ КЕНГАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.**

«Райҳон-доно» корхонасининг фаолият бошлаганига ҳам 12 йил бўлди. Корхонада бугунги кунда меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг 15 нафари касаначилар бўлиб, улар буюртмаларни тез ва соз адо этишда муносиб ҳисса қўшишмоқда, маҳсулот сифатини таъминлашга муваффақ бўлишмоқда.

Корхона чеварлари асосан қўл меҳнатидан фойдаланиб, қуроқ усулида маҳаллий хом ашёдан турли хил маҳсулотлар тайёрлашмоқда. Ана шундай маҳсулотлар орасида болалар ва аёллар устки кийим-кечаклари, ёстиқ ва кўрпалар, ранг-баранг эсдалик совғалари бор.

— Ўтган йилда маҳсулотларимиз турларини бир неча хилга ошириш баробарида, — дейди корхона раҳбари Райҳон Қурумбоева, — уларни қўшни республикаларга сотишга ҳам эришдик. Айниқса, маҳсулотларимизга меҳмонхоналардан кўплаб буюртмалар тушмоқда. Уларни ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилаяпмиз, қуроқчиликнинг замонавий, харидор талаби асосидаги усулларидан ҳам самарали фойдаланаяпмиз.

Тадбиркорлар мамлакатимиздаги ярмарка ва кўрик-танловларда ўзларининг янги изланишларини намоён этиб муваффақиятларга эришмоқда. Райҳон Қуримбоева 2006 йилда Мирзо Улуғбек туманида «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор бўлди, «Ташаббус-2006» кўрик-танловининг шаҳар босқичида эса «Энг яхши экспортчи» номини қўлга киритди. Шунингдек, кейинги йилларда «Энг яхши тадбиркор аёл» номинацияси ғолиби бўлди.

Жорий йилда ҳам корхонада изланишлар давом этмоқда. Тадбиркор аёл корхонани кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш ва четга сотишни янада оширишни режалаган. Шунинг баробарида қўшимча касаначи ишчи ўринлари ҳам яратилади.

**Шарофат БАХРОМОВА**

# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### НОДИРА ҲИКМАТЛАР

**Оқил нодон сўзидан ирод баҳс қилмас, балки ислоҳиға кўшиш қилур. Айзанбиллаҳ, нодони худписанд ва жоҳили нохирадманд ўз қосир хаёлиға мағрур ва нораси зеҳниға масрур бўлуб, маънидин бехабар, табиати сўз рамузидин беасар, беҳуда тааррузлар била дахли бежо қилиб, баҳси бемавқитъ оғоз этар. Ва ўз эгри фаҳмиға ишониб ва ботил хаёлиға эътимод қилиб, ҳарна сўзлар била бемаврид таарузлар кўргузур.**

* * *

**Аларки, муддаою норасоу дундурлар,**
**Мудом аҳли хирад олида забундурлар.**

* * *

**Донойи мунассифлар, абруманд ва бадхоҳ маонидлар элға нописанд бўлғайлар. Беҳудагу – хору ҳарза мақол – ноэътибордур. Ва аларнинг қавли ношойиста ва бекордур. Эътибор нуктасанж донолар сўзи ва зуфунун расолар рамузидур.**

* * *

**Жаҳон айши ғаниматдур неча кун,**
**Вафо қилмас кишиға мулки дунё.**

* * *

**На Ширин қолди оламда, на Фарҳод,**
**Қани Юсуф, қаён кетти Зулайҳо?**

* * *

**Кўнгул, ишқ ичра бўлма бетаҳаммул,**
**Ки васлу ҳажр аро қилғил мадоро.**

* * *

**Вайронада оқилға иқомат на муносиб,**
**Сарманзили осойиш эмас арсаи дунё.**

* * *

**Бўлур сабр этсанг аччиғ**
**ғўрадин шаҳду шакар пайдо.**

* * *

**Олам элида вафо топилмас,**
**Бу гавҳар эрур жаҳонда ноёб.**

* * *

**Ушшоқ мисоли карвондур,**
**Ул қофилада эрур вафо боб.**

* * *

**Хушо оқилки, айлаб яхшилиқ**
**бунёдини маҳкам,**
**Ўтар бу дайри фонодин ўзини**
**некном айлаб.**

* * *

**Жаҳонда, Нодира, ишқ ихтиёр эт,**
**Муҳаббатсиз кечурган ҳайф авқот.**

* * *

**Яхшию ёмон бир-бириға муғтанам эрмиш,**
**Фарзона тирик бўлсину девона саломат.**

* * *

**Кишига ҳиммати мардона керак,**
**Йўқки, оройиш ила ришу бурут.**

* * *

**Муҳаббатсиз киши одам эмастур,**
**Гар одамсен муҳаббат ихтиёр эт.**

* * *

**Гар тилар бўлсанг ҳаводис**
**шоҳбозидин амон**
**Чуғз янглиғ, эй кўнгул,**
**бир гўшаи вайрона тут.**

* * *

**Бўлма гирудориға мағрур гар оқил эсанг,**
**Давлати дунёни уйқу фарз қил,**
**афсона тут.**

* * *

**Мақсад на эди жаҳона келдинг?**
**Кайфиятини баён этиб кет.**

* * *

**Роҳат тиласанг, ишқ биносини панох эт,**
**Осуда эрур сояи девори муҳаббат.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**



*Фарзандим — асал қандим.*

**ТОШКЕНТДА МАҲОРАТЛИ АЛЬПИНИСТ ИЛЁС ТУХВАТУЛЛИН БИЛАН ЁШЛАР ЎРТАСИДА УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛДИ. “К2 ЧЎҚҚИСИ САРИ” ШИОРИ ОСТИДА ЎТГАН ТАДБИР “КАМОЛОТ” ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ВА “СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН” ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

## МОҲИР АЛЬПИНИСТ ЁШЛАР ДАВРАСИДА

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, ақлан етук, жисмонан бақувват этиб тарбиялаш, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида кўплаб саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Жумладан, жамғарма анча йиллардан буён спортнинг экстремал турлари доирасида қишки “Чимён экстрим”, ёзги “Экстрим гиёвандликка қарши” каби турли фестиваллар ўтказади. Уларда экстремал спорт турларининг скейтборд, роликли коньки, тоғ велосипеди, сув слаломи, сноуборд, музга чиқиш, тоғ чанғиси ва альпинизм йўналиши бўйича мусобақалар ўтказилади.

Маданият ва спорт усталари, альпинист фахрийлар ҳамда экстремал спорт турлари билан шуғулланувчи ёшлар иштирок этган мазкур давра суҳбати ҳам ёшларнинг экстремал спорт турига бўлган қизиқишини янада ошириш ва уларни кенгроқ жалб қилишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Тадбирда таниқли альпинист Илёс Тухватуллин ёшларга альпинизмнинг машаққатли йўли, ўзига хос жиҳатлари ҳақида атрофлича сўзлаб берди.

Давра суҳбатида таъкидланишича, 1975 йилдан буён альпинизм спорти билан шуғулланаётган Илёс Тухватуллин ҳозирга қадар 100 дан ортиқ юксак чўққиларни, етти марта етти минг метрлик, икки марта Эверест (8848) чўққисини забт этган. 1998 йилда Ўзбекистон миллий терма командасида, 2004 йилда Халқаро терма жамоасида иштирок этган.

Учрашувнинг ёшлар даврасида ўтказилиши экстремал спорт турини янада оммалаштириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш имконини беради.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**«Туркистон-пресс»**

*Болалар спорти*

## ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР БАҲСИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН АВЛОДНИНГ СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШИ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИЛГАНИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАР ОРАСИДА СПОРТНИНГ КЕНГ ОММАЛАШИШИДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛАЁТИР.**

Ўзбекистон шахмат федерацияси томонидан шахмат бўйича 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган «Янги йил» турнири ҳам иқтидорли ёшларнинг маҳоратини ошириш, янги истеъдодларни кашф қилишга қаратилган. Мусобақанинг уч гуруҳда ташкил этилгани ҳаваскор шахматчилардан тортиб халқаро майдонларда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган, тажрибали спортчиларни ҳам қамраб олиш имконини берди.

Мусобақанинг «А» гуруҳи беллашувларида Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ рейтинг баллига эга ўн икки нафар шахматчи бир даврали тизимда ўзаро дона сурди. Ўн биринчи турда Олег Артеменко Искандар Орипов билан дуранг ўйнаб, жами етти очко тўплади. Борис Лебедевни мағлубиятга учратган Ирина Геворкян ва Элёр Назаровдан устун келган Авазбек Эшбоев ҳам очколар ҳисобида пешқадамга етиб олган бўлса-да, қўшимча кўрсаткичларга кўра, О.Артеменко мусобақа ғолиби бўлди. И.Геворкян иккинчи, А.Эшбоев учинчи ўринни эгаллади.

Қирқ саккиз нафар шахматчи қатнашаётган ва швейцарча усулда ўтказилаётган «В» гуруҳи беллашувларида эса 2008 йилги мамлакат чемпиони — саккиз ёшли Ортиқ Неъматовнинг қўли биланд келмоқда. У сўнгги тур олдидан етти очко билан етакчилар сафида. Шунингдек, Шавараш Бадалян, Елена Вербова ва Арам Каспаров совринли ўринлар учун беллашмоқда.

Ҳаваскор шахматчилардан иборат «С» гуруҳида эса Муҳаммадакбар Рафиқов кетма-кет саккиз партияда ғалаба қозонди ва ўз гуруҳида бош соврин учун асосий даъвогарлик қилмоқда. Азиз Абдуллаев, Музайяна Сайдалиева ҳамда Нарзулла Саъдуллаев ҳам кучли учликка кириш учун курашмоқда.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

**КУНЛАР СОВИШИ БИЛАН АҲОЛИ ЎРТАСИДА ГРИПП ВА ЮҚОРИ НАФАС ЙЎЛЛАРИНИНГ ЎТКИР РЕСПИРАТОР КАСАЛЛИКЛАРИ КЎПЛАБ КУЗАТИЛАДИ. ГРИПП — ЎТКИР ЮҚУМЛИ ВИРУСЛИ КАСАЛЛИК БЎЛИБ, ЮҚОРИ НАФАС ЙЎЛЛАРИНИНГ ЎТКИР ЯЛЛИҒЛАНИШИ ВА ОРГАНИЗМНИНГ УМУМИЙ ЗАҲАРЛАНИШИ (ИНТОКСИКАЦИЯ) БИЛАН КЕЧАДИ.**

*Мутахассис огоҳлантиради*

## ГРИППНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ

Касаллик манбаи бемор одам бўлиб, касалликнинг 2-3-кунларида атрофдагилар учун хавфли бўлади. Грипп вируси бемор акса урганда, йўталганда ташқи муҳитга ажралиб чиқади. Грипп билан касалланган бемор организмидан вирус ажралиб чиқиши касалликнинг 7-10 кунигача давом этади. Соғлом одамга касаллик грипп вируси билан зарарланган ҳаводан нафас олиш натижасида юқиши мумкин. Одам организмининг грипп вирусига мойиллиги юқори бўлиб, грипп билан касалланиб ўтгандан кейин организмда турғун бўлмаган қисқа вақтли 1-1,5 йиллик иммунитет ҳосил бўлади. Грипп касаллиги мавсумийлик, яъни қиш, куз ва баҳор ойларига тўғри келади. Ушбу мавсумларда касалликнинг ортишига ташқи муҳит ҳароратининг пасайиши, юқори нафас йўллари яллиғланиш касалликларининг кўплиги, организмдаги витамин танқислиги, хоналардаги одамлар зичлиги сабаб бўлади.

Грипп касаллиги билан ёш болалар ва кексалар кўпроқ касалланадилар, касаллик беморларда оғир асоратлар қолдириши мумкин. Касалликнинг яширин даври (касаллик вирусининг организмга тушиши ва касалликнинг бошланғич аломатлари пайдо бўлгунча ўтган давр) бир неча соатдан 1-2 кунгача давом этади.

Касаллик эт увишиши, тана ҳароратининг (39-40° С гача) кўтарилиши, бош оғриғи, мушаклардаги оғриқлар билан бошланади. Кейинчалик танглай муртакларининг қизариши, бош айланиши, кўнгил айниши, уйқунинг бузилиши, бурун битиши, оғриқли йўтал кузатилади. Бу ҳолат 2-7 кунгача давом этиб, касалликнинг охирги кунларида бемор ўзини яхши ҳис қила бошлайди. Агарда ушбу касалликларга ўз вақтида зарур тиббий муолажалар қилинмаса, зотилжам, менингит ва менингоэнцефалит каби оғир асоратларга олиб келиши мумкин.

Юқорида қайд этилганларни инобатга олиб, Республика аҳолиси ўртасида 2008-2009 қиш, куз ва баҳор мавсумида юқори нафас йўлларининг ўткир респиратор вирусли касалликлари ва грипп бўйича эпидемик барқарорликни таъминлаш, республика ҳудудига, грипп, парранда гриппи ва бошқа ўта хавфли вирусли касалликларнинг четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош Давлат санитария врачининг тегишли қарори тасдиқланиб барча мутасадди вазирликлар, қўмиталар ва ташкилотларга юборилган.

Кейинги йилларда грипп касаллигининг мавсумий кўтарилишидан олдин аҳоли орасида эмлаш ишларини ўтказиш яхши натижа бермоқда. Эмлаш учун «Инфлювак», «Гриппол» вакциналари қўлланилади.

Шу билан бирга: ўқув ва иш хоналарини кунига 3-4 маротаба 10-15 дақиқадан шамоллатиб туриш, хоналарда дезинфекция моддаларини қўллаган ҳолда намли тозалов ишларини олиб бориш, эпидемик жиҳатдан муҳим бўлган ишлаб чиқариш корхоналари, даволаш-профилактика ва ўқув-тарбия муассасалари, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш объектлари ҳамда жамоат транспортларида ишловчи ходимлар 4 қаватли докадан тайёрланган ниқоблар тақиши ва уларни ҳар 2-3 соатда алмаштириб туришлари лозим, агарда беморда гриппнинг асоратсиз енгил кечувчи шакли билан касалланиш кузатилса, уни уй шароитида алоҳидалаб, шифокор тавсиясига кўра даволанади. Касалликнинг оғир шаклларида бемор албатта касалхонага ётқизилиши шарт. Уй шароитида хоналарга исириқ тутатиб туриш, ошкўклар, лимон, наъматак ва бошқа витаминга бой сабзавот-мевалар истеъмол қилиб туриш грипп ва юқори нафас йўлларининг ўткир яллиғланиш касалликларининг олдини олишда яқиндан ёрдам беради.

**З.СОАТОВА,**
**шаҳар 3-сонли юқумли касалликлар клиник шифохонасининг олий тоифали шифокори**

*Текширувда аён бўлди*

## СЎНГГИ ПУШАЙМОН...

**ҚОНУНЛАРГА РИОЯ ҚИЛГАНЛАР ҲЕЧ ҚАЧОН ЮТҚИЗМАЙДИ. АКСИНЧА МАВЖУД ҚОНУНЛАРНИ ЧЕТЛАБ ЎТИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛУВЧИЛАРНИНГ ДОИМО ҲОЛИГА ВОЙ БЎЛАДИ. ҚУЙИДА КЕЛТИРИЛАЁТГАН ҲОЛАТ ҲАМ ФИКРИМИЗНИ ТЎЛА ИСБОТЛАЙДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси С.Раҳимов туман бўлими ходимлари томонидан амалга оширилган таҳлилий текширув натижасида «GUMUSHTASH» қўшма корхонаси раҳбари Н.Башарман корхонанинг уставида кўрсатилган фаолиятини амалга ошириш мақсадини кўзламасдан, солиқлардан озод қилиш ва мулкий манфаат кўриш мақсадида қўшма корхонанинг хорижий таъсисчиси ҳисобланмиш «Basharmanjglu Insaat Ticaret Ihrasat Limited Sirketi» фирмаси томонидан қўшма корхона устав жамғармасидаги ўз улушини шакллантириш учун 2004 йил 20 июлдаги 1-сонли шартнома асосида «GUMUSHTASH» ҚКга Туркия давлатидан жўнатилган 170000 АҚШ доллари миқдоридаги қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган технологик асбоб-ускуналарни ўрнатмасдан, беғараз тўловсиз фойдаланиш учун «Шариф-Ширин» фирмасига бериб юбориб 35092,7 минг сўмлик бож тўловлари имтиёзларидан ноқонуний фойдаланиб келганлиги аниқланган.

«GUMUSHTASH» ҚКси (ёрдамчи пудратчи) 2004 йил август ойидаги «Бухороқурилиш» ХЖ 8-сонли қурилиш-монтаж фирмаси билан тузилган пудрат шартномасига асосан, 41992,6 минг сўмлик қурилиш монтаж ишларини бажарганлиги ва бажарилган ишлар учун пул маблағлари тўла миқдорда келиб тушганлиги ҳамда белгиланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўланилиши текширилганда тафовут аниқланди. Бироқ корхона ягона солиқ тўловчиси бўла туриб 2004 йил давомида бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича «Бухороқурилиш» ХЖ 8-сонли қурилиш-монтаж фирмасига ҳисоб-варақа фактураларида жами 7036,9 минг сўм ҚҚС ҳисоби билан тақдим этганлиги аниқланди. Корхона томонидан ҚҚС ҳисоблаб чиқариш тартибини бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 118-моддаси талабларига мувофиқ ҳисоб-варақа фактураларида кўрсатилган 7036,9 минг сўм солиқ суммаси миқдорида ва шу сумманинг 20 фоиз миқдорида 1407,4 минг сўм жами 8444,3 минг сўм миқдорида жарима солиниши лозим.

Корхона томонидан 2005 йил давомида ўрнатилмаган (ижарага берилган) мол-мулк учун солиғи ҳисобланмасдан туман ДСИга тўланиши лозим бўлган солиқлар суммасини кўрсатмасдан йиллик ҳисобот топширилган. Текшириш давомида ўрнатилмаган мол-мулк бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 18 июль куни 1667-1 сон билан рўйхатга олинган «Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомининг 6-бўлим, 26-банди талабларига мувофиқ бюджетга 6552,7 минг сўм қўшимча солиқ ҳисобланди.

Корхона томонидан 2006 йил фаолияти учун туман ДСИга тўланиши лозим бўлган ягона солиқ тўловини ҳисоботларда акс эттирмасдан ҳисобот топширилган. Текшириш давомида корхона томонидан 2006 йил давомида бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан келиб тушган 17568,8 минг сўм миқдоридаги тушум, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида қасддан яширилганлиги натижасида давлат бюджетига 2283,9 минг сўм миқдорида қўшимча солиқ ҳисобланди.

«GUMUSHTASH» қўшма корхонаси томонидан 2006 йил давомида ўрнатилмаган мол-мулк учун солиғи ҳисобланмасдан туман ДСИга тўланиши лозим бўлган солиқлар суммасини кўрсатмасдан йиллик ҳисобот топширилган. Текшириш давомида ўрнатилмаган мол-мулк бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 18 июль куни 1667-1 сон билан рўйхатга олинган «Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомининг 6-бўлим, 26-банди талабларига мувофиқ бюджетга 6552,7 минг сўм қўшимча солиқ ҳисобланди...

Ҳа, сўнгги пушаймон — ўзингга душман, деб бежиз айтмайдилар. Текширув давомида қўшма корхона томонидан мавжуд қонун-қоидаларнинг бир эмас, бир неча марта бузилганлиги аниқланди. Шунча қилғиликни қилиб қўйиб, қўшма корхона раҳбариятининг эндиликда аттанг, дейишидан фойда йўқ.

**Баҳодир ҲАИТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖ ва ЖДЛКК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим тафтишчиси**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**1.2009 йил 17 январ куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига,** Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Сергели тумани судининг 04.11.2008 йилдаги 1-57/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББда сақланаётган, «Cielo» русумли, давлат рақамли 10Z1407 бўлган 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 5 268 041 сўм.

**II. Шунингдек 2009 йил 3 феврал куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига,** Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан такроран, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 22.02.2008 йилдаги ЖСК-6/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон Республикаси МХХ автомашиналарни сақлаш жойида сақланаётган, «ОДАЗ-8380» русумли, 1983 йилда и/ч тиркамаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 1 500 000 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларга қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО:00901, ИНН:200933850, х/р 20210000500571452105. Манзил: Тошкент.ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52.www.rkmb.uz

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 07

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

**Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4554 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

1 2 6

Топширилган вақти: 12.45